**СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ БЎЛМАСА, СОЛИҚЧИГА НЕ ҲОЖАТ?**

*Солиқ-солиқ тўловчи-солиқчи триадасидаги мутаносибликнинг аҳамияти хусусида*

Рўйхатга олинмаган хусусий тадбиркорлик ва хуфёна цехлар ҳақида юқорида аниқ рақамлар келтирилган эди. Улар ойлар, ҳатто йиллар давомида фаолият юргизиб келган. Бундан солиқ идоралари, айниқса, ҳудудий инспекторлар доимо ҳам бехабар эди, деб ким айта олади? Аммо бу ҳолатдан фақат инспекторлар манфаатдор эди десак, нохолислик бўларди. Ўша тадбиркору цехларга бошпана бўлган, улар ҳимоясида турган мансабдор ҳомийлар бўлганлиги маълум-ку!

2 -бет



**SAMSUNG – ДУНЁДА БИРИНЧИ**

SAMSUNG компанияси ҳақида эшитмаган инсон бўлмаса керак. Уни кўпчилик энг сифатли телевизор, видеомагнитофон ва бошқа замонавий аппаратуралар ишлаб чиқарувчи компания сифатида танийди. Лекин жаҳонга машҳур электроника гиганти фаолияти гуруч савдосидан бошланганини ҳамма ҳам билмаса керак.

3 -бет

**МАЪНАВИЙ КЕМТИКЛАР**

*Уларни қандай тўлдириш мумкин?*

Аммо, афсуски, сўнгги икки-уч йилда китоб олиш ёки ўқув залида ўтириб мутолаа қилиш мақсадида бу ерга келувчилар сони кескин камайиб кетган. Ўқув залида ноиложликдан китоб излаб келган беш-олти нафар талабалару уч-тўртта пенсия ёшидаги зиёли қарияларни кўриш мумкин, холос. Янги адабиётлар, айниқса, бадиий китоблар сони жуда-жуда кам. Туманларнинг кутубхоналари учун ҳар йил ҳисобига харид қилинаётган китоблар сонини улар уялмай айтишди, мен ёзишга уялдим.

4 -бет


Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№35-36 (341-342) 2003-yil 3-sentabr



«Ҳуррият» сизники,

Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.

**Нашр кўрсаткичимиз: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.**


Кузатиш

# ҚАЙСИ ҲОКИМИЯТ КУЧЛИ? ижроми, қонунчилик?



- *Депутат қоғозсиз гапирса, қандай бўлади?*
- *Партия фракцияси нега ўзини кўрсата олмаяпти?*

Бундан уч кун олдин якунланган Олий Мажлиснинг XII сессиясида муҳокама қилинган масалалар мантиғи ана шундай саволларнинг туғилишига асос яратди.

Сессия қабул қилган қонунлар муҳимлиги ва долзарблиги жиҳатдан ниҳоятда аҳамиятлидир. Қабул қилинган қонунларнинг яна бир жиҳати бир-бири билан узвий боғлиқлиги ва мантиқий изчиллигидадир. Уларни том маънода янги, икки палатали Парламент ислоҳоти ва сайловига хизмат қиладиган қонунлар мажмуаси, деб аташ мумкин.

Сессияда Давлат бюджетининг 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси биринчи бўлиб ва бошқа масалаларга нисбатан кенг ҳамда чуқурроқ муҳокама қилинди. Ва бу масалага нисбатан Президент Ислом Каримов ҳам ўз муносабатини билдирди.

Бюджет ижроси масаласи сессияда бежиз муҳокама қилинмаяпти. Бу ҳам ҳокимиятларнинг мустақил фаолият юрита бошлаётганидан, бир-бирини қандайдир даражада назорат қилаётганидан дарақдир. Мамлакат раҳбари бунга АҚШни мисол қилиб келтирди. Америкада учала ҳокимият бир-биридан мустақил: бирининг ишига иккинчиси аралашмайди. Ўз вазифаси ва мавқеига қараб бирини бири назорат қилади, камчилиги бўлса, танқид қилади, хиёнат ёки жиноят қилса, жазолайди. Президент буни халқона қилиб ҳаммаси ўз ишини билиб қилади, деб тушунтирди. Бизда ҳам шундай бўлиши керак. Бюджет ижросининг сессиядаги муҳокамасини ҳам Қонунчилик ҳокимиятини Ижро ҳокимияти фаолиятини назорат қилиши маъносида қабул қилмоқ керак. Мамлакат раҳбари айни шу масалада депутатларни холисроқ, фаолроқ бўлишга даъват қилди. Бюджет ижроси борасида салбий ҳолатлар ҳам йўқ эмас, деди мамлакат раҳбари. Шундай экан, Қонунчилик ҳокимияти бунга танқидий кўз билан қараши керак. Токи камчиликларимизни билиб олайлик ва унга бошқа йўл қўймайлик.

Қонунчилик ҳокимияти — Олий ҳокимият. Депутатлар жуда катта ваколатларга эга. Фақат улар ана шундан фойдалана олишлари керак. Тўғри, бундай ҳолатга кўниккунча хато қилишимиз, адашишимиз, ҳис-ҳаяжонга берилишимиз мумкин. Лекин бундан қўрқмаслик керак, деди мамлакат раҳбари.

Бюджет ижроси масаласи муҳокамасида сўзга чиққан бир депутат қайсидир жойда йўл қуриш кераклиги ҳақида гапирди. Ана шунда Президент унга тўғри эътироз билдирди. Чунки йўл қуриш зарур экан, уни бугун эмас, аксинча, бюджет қабул қилинаётган пайтда гапириши — бюджетга киритиши керак эди. Ана шунда гап мантиқли бўлади.

Ана шундай мушоҳада ва даъватдан кейин сессияда жонланиш ҳолати кузатилди. Бюджет ижроси масаласида ҳисобот берган Молия вазирига депутатлардан бири савол берди. Айрим бюджетдан озиқланадиган идора ва корхоналарга ойлик-маош кечиктириб берилаяпти. Банк ва молиянинг жойлардаги идоралари буни оддийгина қилиб пул йўқ, вассалом, деб изоҳлашмоқда. Сиз буни вазир сифатида қандай изоҳлаган бўлардингиз, деб сўради. Молия вазири савол берган депутатга бу саволни фракция йиғилишида ҳам бергандингиз-ку, деб қисман изоҳ берди. Лекин Президент бунга эътироз билдирди. Аксинча, шу ерда жавоб беришга ўрганишимиз керак. Токи кўпчилик бу борада ҳақиқий маълумотга эга бўлсин. Шунда ҳар хил тўғри-нотўғри гаплар тарқалмайди. "Миш-миш"ларнинг олди олинади. Депутат ўзининг саволини қўйди. Эртага сайловчилари сўрайди ундан. У ҳам жавоб бериши керак. Кейин Президентнинг ўзи депутат саволини иқтисодчилардай, лекин содда, оддий қилиб тушунтириб берди. Бундан деярли ҳамма жавоб олгандай бўлди.

Сессия икки кун давом этди. Икки кунлик кузатишлар жараёнида мени икки ҳолат ажаблантирди. Биринчи ҳолат шундаки, муҳокама учун сўзга чиққан депутатларнинг деярли ҳаммаси қоғозга қараб гапирди. Фақат иккитагина депутат қоғозсиз сўзга чиқди. Ўша депутат қоғозсиз гапирганида зал бирданига жонлангандай бўлди. Тўғри, у чақмоқдай фикр айтгани ёки Америка очгани йўқ. Атиги қоғозсиз гапирди, холос. Депутатлар борди-ю қоғозсиз гапирди ҳам дейлик, шунда қандай ҳолат рўй беради? Кузатувлардан шуни англадикки, қоғозсиз гапирилганда, биринчидан, анчагина вақт тежаларкан. Чунки депутатлар қоғозга таянганларида, айниқса, сўзининг боши ва охирида билиб-билмай бир-бирларини деярли такрорлашар экан. Учинчидан, зал жонланади, сессияга ўзгача руҳ — тетиклик ва ҳушёрлик бағишлайди.

Бизнингча, муҳокамага чиққан депутатнинг гапи фақат таклиф-мулоҳаза, тасдиқ ёки инкордан иборат бўлиши керак.

Яна бир ҳолат шундан иборатки, сўзга чиққан депутатларнинг аксарияти бирлик, яъни бир шахс номидан гапираркан. Тўғри, бу унинг ҳуқуқи. Лекин ташқаридан кузатган одамда нима бизнинг парламентда фракциялар йўқми, бор бўлса қани улар? деган савол пайдо бўлиши аниқ. Бизнингча, депутатлар фақат шахсга эмас, фракцияга ҳам урғу берганларида, партия фракциялари деган тушунча онгимизда ва амалда тезроқ шаклланган бўларди.



**Исмат ХУДОЁРОВ**

**Суратларда: сессиядан лавҳалар.**

**Шоназар ИБРОҲИМОВ олган суратлар**

ММMда

# ХАЛҚ ТАБОБАТИ АКАДЕМИЯСИ

*янги концепция асосида ишлаяпти*

Халқ табобати академияси "Президент Ислом Каримов ғоялари асосида мамлакатимиз фуқаролари саломатлигини асраш борасида амалга ошириладиган вазифалар концепцияси"ни қабул қилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бундай концепция нега зарур бўлиб қолди? Ва бугунги кунда у қандай амалий аҳамиятга эга? Миллий матбуот марказида ОАВ вакиллари билан бўлган баҳс-мунозараларда ана шундай саволларга жавоб изланди. Академия раҳбари Муҳаммад Ҳамроевнинг маълумотларига қараганда, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарорига мувофиқ бугунги кунда 1000 нафардан зиёд ўқувчиси бўлган мактабга битта ҳамшира бўлиши керак. Ва яна касалликни олдини олиш уни даволашга қараганда 8 баробар арзонга тушар экан. Москвада ҳар уч кишидан бири инсул касаллигига йўлиқаяпти. Простата безининг шамоллаши тобора кўпайиб бораётгани кузатилаяпти. Натижада бепуштлик ҳолати юқорилаб бормоқда. Дори-дармон кўп, лекин касаллар сони кўпайса кўпаяптики, камайгани йўқ. Буларнинг асосий сабаблари нимада? Муҳаммаджон Ҳамроев буларнинг туб-тубида нотўғри овқатланиш ва доривор табиий гиёҳлардан тўғри ёки умуман фойдаланмаслик ётибди, деб изоҳлади. Зеро, Халқ табобати академияси концепциясининг ҳам асосий мақсадларидан бири ана шундан иборат.

ОАВ вакиллари билан бўлган савол-жавобда сохта табиблар кўпайиб кетаётгани, уларнинг нотўғри муолажалари, ҳатто одамларнинг ўлимига сабабчи бўлаётгани, Осиё дамламаси жойларда қалбакилаштирилаётгани ҳақида ҳам гап борди.

Маълумотларга қараганда бугунги кунда қонуний ҳуқуққа эга бўлган табибларнинг сони 30 нафардан ошмас экан. Агар юзлаб табиблар чиқиб, фуқароларимизни даволаётгани инобатга олинса, бу борадаги аҳвол анчайин жиддий эканлиги намоён бўлади.

**МУХБИРИМИЗ**

Фахр

# Новдалар барқ урар абадият сари...

**Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги тантаналари арафасида Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбобларидан бир қанчаси "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди. Улар қаторида Ўзбекистон халқ ёзувчилари буюк устозлар Асқад Мухтор ва Шуҳрат ҳам бор.**

**Асқад Мухтор "Опа сингиллар", "Туғилиш", "Давр менинг тақдиримда", "Чинор", "Бўронларда бордек ҳаловат", "Бухоронинг жин кўчалари" каби романлари, қиссалари ва кўплаб шеърлари ила адабиётимизнинг улкан чинорига айланган эди.**

**Шуҳрат "Олтин зангламас", "Шинелли йиллар", "Машраб" асарлари ва ўнлаб гўзал шеърий китоблари билан адабиёт оламида нурамас, қуламас иморат қуриб кетди.**

**Ҳар икки адибнинг ўлмас гўзал асарлари аллақачон маънавият мулкига айланган.**





## ЧИНОР

*Дўрмон.*
*Қари чинор*
*Улкан панжараларин чўзган осмони фалакка.*
*Юз тутиб саратон тиғига*
*Ёвуз қиш қиличига очиб бағр,*
*Йиллар шамолига эгилмай,*
*синмай*
*Новдалари барқ урар абадият сари...*

*Дўрмон.*
*Чинор пойида Асқад Мухтор.*
*Тикилади ўсаётган тоғдай дарахтга.*
*Кўзи қолган шоирнинг чинорда,*
*Сўзи қолган шоирнинг чинорда.*
*Ўзи қолган шоирнинг чинорда...*
*Дўрмон.*
*Чинор шовуллар*
*Замину фалакни тутар саси...*

## ИМОРАТ

*Дўрмон.*
*Боғ бўйлаб кезаман. Қарайман*
*томи ёпилмаган Шуҳрат аканинг иморати.*
*О, бу иморат,*
*Неча кунлар*
*н е ч а*
*тунлар*
*Бағри очиқ турар яйдоқ даладай.*
*Бағрига қўнади қорлар.*
*Бағрига сингир оқ ёмғирлар.*
*Бунда тин олади шамоллар бир дам.*

*Бағрида совуқлар олар исиниб.*
*Иморатга тикиламан жим...*
*Шуҳрат ака унда сочлари оппоқ.*
*Балки чала қолган сатрларни битаётир.*
*Энг катта асарин ёзаётир балки.*
*Балки*
*тўкаётир ҳеч кимга айтмаган дардларин...*
*Балки...*

**Турсун АЛИ**

Эътироф

Диёримизда энг улуғ, энг азиз айём шукуҳи кезиб юрган шу кунларда бир гуруҳ ҳамкасбларимиз хонадонларида ва таҳририятларида қўшалоқ байрамни нишонлашаётгани устидан чиқасиз. Албатта, бунинг ўзига хос сабаби бор. Маълумки, Ўзбекистон мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан ижтимоий соҳалар ходимлари қаторида оммавий ахборот воситаларининг жонкуяр, жонсарак, ўз касбининг фидойиси саналган ходимларидан бир гуруҳи ҳам Ватаннинг олиймақом унвону мукофотларига сазовор бўлишди. Таъбир жоиз бўлса, мустақиллик шарофати билан ҳамкасбларимиз ўзларининг ҳалол меҳнатлари эъзозини, эътирофини кўрмоқдалар.

# Журналист меҳнатининг қадри

Албатта, мустақилликни мустаҳкамлашда, кишилар дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг замон билан ҳамнафас одимлашида оммавий ахборот воситалари аҳамиятини бошқа ҳеч қандай омил билан қиёслаб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Жамиятимизда, қолаверса дунё ҳамжамиятида атом кучидан-да қудратлироқ ахборот алмашинуви жараёни жадаллашаётган, тобора глобал тус олаётган, шунингдек, фикрлар хилма-хиллиги, лозим бўлса, тўқнашуви забтига олаётган, турли-туман мафкура ва дунёқарашлар ўртасида зимдан рақобат, таъқиб кетаётган мураккаб бир шароитда журналистиканинг нонини ейиш осон бўлмай қолганлиги хусусидаги мулоҳазага берилиш ортиқча, албатта. Муҳими, истиқлол йилларида ўзбек матбуоти неча турли синовларни бошидан кечирди, тобланди, ҳамкасбларимиз ўзларининг неларга қодирлигини намойиш қилди ва қилмоқда.

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" унвонига сазовор бўлган ҳамкасбларимиз орасида "Қишлоқ ҳаёти" газетаси бош муҳаррири, шоир ва публицист **Ўткир Раҳматов** ҳам бор. Тан олиш керак, сўнгги йилларда "Қишлоқ ҳаёти" газетаси жиддий, ўқишли газетага айланди, унинг саҳифаларида янгича мазмун ва шакл уйғунлиги акс этди. Айниқса газетанинг Мустақиллик, Янги йил ва Наврўз байрамлари арафасида чоп этилган сонларини қўлга олиб, кўнглингиз яйрайди. Ҳақиқий сифат, дизайнни кўрасиз, газета қалб кўри, юксак дид билан яратилганига имон келтирасиз.

"Халқ сўзи" газетаси фотомухбири **Нўъмонжон Муҳаммаджонов** фотожурналистикани санъат даражасига кўтарган устозлардан саналади. Унинг объективи қадалмаган макон Ўзбекистонда топилмаса керак. "Маърифат" газетаси бош муҳаррир ўринбосари **Абдусамат Раҳимов**нинг таълим муаммоларидан баҳс юритувчи мақолаларини ким ҳам ўқимаган дейсиз?!

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" унвонига "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бўлим муҳаррири **Мурод Хидиров**, "Ёшлар" телеканали катта муҳаррирлари **Фурқат Зокиров, Рўзмат Мадатов**, "Тошкент" телеканали катта муҳаррирлари **Светлана Даминова, Эльмира Тухватуллина** ҳам сазовор бўлишди. Булардан ташқари яна ўттизга яқин ҳамкасбимиз ватанимизнинг бошқа унвон, орден ва медалларига лойиқ топилдилар.

Мукофотланган барча ҳамкасбларимизни халқимизнинг юксак ишончи, эътирофи билан чин қалбдан қутлаймиз!

**Н.АСЛОН**


«Ҳуррият»ни самода ҳам ўқишмоқда



2003 йил давомида «Ҳуррият» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлади.


Муносабат

# БУТУН КУЧНИ ХАЛҚ ИЧИДАН ОЛИШ БАХТИ

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз шаклшамойили тамоман ўзгариб, жамиятнинг назоратчилигига интилмоқда. Очиқ айтай, матбуотимиз "ура-ура"дан анча холи бўлди. Бироқ одамларни қийнаётган муаммолар, сунъий тўсиқлар ҳар қадамда учраб туради. Дадил танқид қилишга ҳамон журъат етишмаяпти. Хўш, нега? Холисона айтганда, лаганбардор, лаббайчи, адашиб муҳаррирлик курсисига ўтирганлар орамизда оз эмас. шунинг учун ҳам мансабдорларнинг тўрачилиги, коррупция, боқимандалик психологияси йўлида мустаҳкам ғов бўлиб, қонунчилик меъёрларини рўёбга чиқариш, ислоҳотларнинг бориши ва инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат қилишнинг таъсирчан воситаси бўлиб қолиш ОАВга "зўрлик" қилаяпти. Модомики, ОАВ оддий фуқарони маҳаллий бюрократларнинг бедодлиги ва ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишга қодир эмас экан, умуман шундай матбуот керакмикан, деган ҳақли савол туғилади. Бу бугун ёки кечаги гап эмас.

Ҳаётда амалдорларнинг айтгани-айтган қабилидаги эскича кўникмалардан халос бўлиш оғир кечмоқда. Муассиснинг гапини "икки" қилган, ёки "юриш туриши" ёқмай қолган қайсар муҳаррир тазйиқ остига олинмоқда. Баъзи муҳаррирлар муассис буюртмаси асосида мусиқа чалаётганга ўхшайди.

Истеъдодли, фидойи журналист ҳар кун туғилмаслигини, у бир-икки ёки 10 йилда шаклланмаслигини амалдорлар билишармикан?

Журналистлар ижодий уюшмаси таъсис этилиш вақти пишиб етилди.

Ҳокимият ўз ишини, матбуот ўз ишини холисона адо этиши лозим. Мана шундай, таъбир жоиз бўлса, меҳнат тақсимоти юксак мақсадларга эришишимиз йўлида биз учун ҳар томонлама мақбул бўлади, деб ўйлайман. Бу ишда бир-бирини тўғри тушуниш, беғараз танқидни вазминлик ва босиқлик билан қабул қилиш, айниқса, муҳимдир. Жиззакилик, аламзадаликка берилиш, бир-биридан ўч олишга уриниш каби бизнинг ишимизга халақит берадиган нохуш ҳолатларга мутлақо йўл қўймаслик лозим.

"Зарафшон" газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев яқинда "Ҳуррият"даги чиқишида тармоқ газеталари хусусида сўз юритиб, улар "қайси журналистикага наф келтиради?" деб ёзибди. Ҳуқуқий нашр сифатида ўзим фаолият юритаётган газета мисолида айрим мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман. Ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш бош мақсадимиз экан, бугун халқнинг ҳуқуқий онгини шакллантирмай туриб бунга эришиш мумкин эмас. Қабул қилинаётган Қонунлар шарҳи, қарорлар моҳияти, ислоҳотлар кўзланаётган мақсадни оммага ким етказади?! Ҳолбуки айрим ижтимоий-сиёсий нашрларда буни камдан-кам учратиш мумкин. Тўғри, афсуски бюллетен шаклидаги нашрлар ҳам бор, буни инкор қилмоқчи эмасмиз. Қолаверса, тармоқ газеталарининг ҳам ўзига яраша муаммолари мавжуд. Айримлар ўйлаганчалик тармоқ газеталари ҳар доим ҳам муассислар билан келишиб кетолмайди. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, таҳририят ҳолидан хабар олмайдиган муассислар ҳам бор.

Газетада муассисларни мақтайверишдан кўра ўша тармоқда учраётган муаммолар, камчиликлар ва уларни бартараф этишда мутахассислар фикрлари бериб борилиши керак. Сўнгги пайтлар ихтисослашган журналистлар камчилиги ҳақида кўп гапирилмоқда. назаримда, тармоқ нашрлари айнан журналистнинг маълум бир йўналишда ихтисослашувига хизмат қилади.

Нашрларнинг кўпайиб бораётгани қайсидир жиҳатдан яхши. Демак, бу соҳада рақобат кучаймоқда. Янгиликлар, ахборот асрида эса тезкор ва ҳаққоний ахборотни етказа олган, рақобатбардош нашргина "яшаб" кетади.

Маълумотларга қараганда, тараққий этган давлатларда ёш, мустақил республикамизга нисбатан оммавий ахборот ваоситалари сони кам экан.

Яна такрор бўлса-да айтмоқчиман: нашрни мухлис танлайди. Унинг талаб-эҳтиёжини қондирадиган матбуотгина узоқ умр кўради.

Газета у ёки бу маҳкама, амалдор минбари эмас, чинакам халқ минбари бўлсагина тили узун, юзи ёруғ бўлади.

Ниятим — матбуотнинг ҳаққоний, ҳароратли сўзи муштарийлар қалбида аксадо берсин. Чўлпон эътироф этганидай "Бутун кучни халқ ичидан олиш" бахти барчамизга насиб этаверсин.

**Валижон ЮСУПОВ, "Адолат нури" газетаси бош муҳаррири**

Танқид

# ТУХУМНИ КАМ БЕРСА, ТОВУҚ АЙБДОРМИ?

*бундай ҳол давом этаверса, ҳадемай хўжаободликлар тухум ейишмай қўйишади*

Автобусга ўрта ёшлардаги аёл чиқди. Унинг қўлида тухум тўла тугун бор эди. Опа жойлашиб олгач, бозоргами, деб сўрадим. У ҳа, дегандек бош силкиди, кейин ўзи гап очди:

— Ўнта товуғим бор. Етти-саккизтаси кунига тухумлайди. Нима кўп — Худонинг куни кўп. Ҳаш-паш дегунча эллик-олтмишта бўлиб тўпланиб қолади. Қориндан ортганини бозорга чиқараман. Рўзғорга ҳарна-да, ўргилай.

— Парранда етти хазинанинг бири, — дейман боболар ҳикматини такрорлаб.

— Шундайку-я, аммо ўша жониворларга қарасангиз, хазина-да. Ахир, битта товуққа ҳам дон керак, ҳам сув.

Хўжаободдаги паррандачилик корхонасида бўлганимда автобусда кечган ўша суҳбатни эсладим. Ҳаётнинг пасту баландликларини кўп кўрган ўша аёлнинг "Паррандага қарасангиз, парваришини жойига қўйсангиз, хазина, йўқса, турган-битгани зарар", деган гапи чин ҳақиқат эканига амин бўлдим.

(Давоми 2-бетда)

Дунё

# Бруней: тарих ва тараққиёт

Осиёнинг жануби-шарқида жойлашган Бруней султонлиги ҳудуди кичик бўлишига қарамай, миллий бойликлари, гўзал ва фусункор табиати, аҳолисининг тўкин-фаровон ҳаёти билан Европа аҳлининг ҳам ҳавасини келтиради. Мамлакат султони Ҳассанал Болкиах ҳам бежизга дунёнинг энг бадавлат кишилари рўйхатидан жой олмаган, албатта.

## Тарих

Аввало, мамлакат тарихи хусусида. Бруней хом ашё заҳираларига бой ҳудуд сифатида кўп асрлар давомида мустамлакачи салтанатлар диққат марказида бўлиб келган. Бу ерда қудратли империялар манфаати бир неча марта тўқнаш келган. 14-асрларда Бруней Индонезияда ҳукмронлик қилган сулолаларга тобе бўлган. Шу ерда туғилиб-ўсган Алакбер Тата (кейинроқ Султон Муҳаммад) 15 асрда мустақил давлатга асос солади. Унинг султонлиги даврида Бруней гуллаб-яшнайди ва минтақадаги энг қудратли салтанатга айланади.

Бироқ 1580 йили султонлик испан фотиҳлари томонидан ишғол этилди. Гарчи кўп ўтмай, мустамлакачилар ҳайдаб чиқарилган бўлса-да, ушбу босқин Бруней қудратига путур етказди. Султонлик аввалги ҳудудидан фақат Калимантан оролинигина сақлаб қола олади, холос. Катта заҳираларга эга нефть конлари очилгач, Бруней Буюк Британия қиролининг назарига тушди ва империя таркибига қўшиб олинди. 1941-45-йилларда япон императори ҳукми остида бўлган Бруней Иккинчи жаҳон урушида Япония енгилгач, яна Англия ихтиёрига ўтди. Қарамлик даври узоқ вақтга чўзилди. Лондон 1984 йилнинг 1 январидагина Брунейга тўла мустақиллик берди. Айни шу йили мамлакат БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

## Тафсилот

Бруней давлатининг майдони — 5,8 минг кв. км, аҳолиси — 350 мингга яқин. Пойтахти — Бандар-Сери-Бегаван. Пул бирлиги — Бруней доллари. Мамлакат маъмурий жиҳатдан Сериа, Бангар, Муара ва



пойтахт номидаги тўртта округга бўлинади. Бруней конституциявий монархия бўлиб, султон томонидан бошқарилади. Қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти тўла-тўкис султон қўлида. Давлат раҳбари айни пайтда мусулмонларнинг диний бошлиғи ва бош вазир ҳисобланади.

Бруней аҳолиси асосан малаялар (66,5 фоиз), индонез тилида сўзлашувчи кедаян, ибан, меланав каби маҳаллий миллатлар, шунингдек, хитой, ҳинд, кам сонли инглизлардан иборат. Брунейликларнинг ярмидан кўпроғи Ислом динига эътиқод қилади. Мамлакатда малая ва инглиз тиллари расмий тил саналади.

## Тараққиёт

Бруней аҳолининг яшаш даражаси ўта юқори бўлган мамлакатлар гуруҳига киради. Ҳудуддаги улкан заҳирага эга нефть конлари асосий даромад манбаи бўлиб, бу конлардан йилига 10 миллион тоннадан зиёдроқ "қора олтин" қазиб олинади. Шунингдек, султонликда бир йилда 12 миллиард метр куб миқдорида суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади. Ана шу икки турдаги хом ашё мамлакат экспортининг асосий қисмини ташкил қилади. Бундан ташқари, Брунейда ўрмон хўжалиги, ёғочни қайта ишлаш саноати ҳам ривожланган. Ялпи миллий маҳсулотда саноат улуши 41,6 фоизга тўғри келади. Миллий даромадда қишлоқ хўжалиги ҳиссаси эса 2,1 фоизни ташкил этади. Саноатда банд аҳолининг асосий қисми газ суюлтириш заводлари, тахта тилиш, ёғочсозлик, нефтни қайта ишлаш корхоналарида меҳнат қилади.

Шунингдек, мамлакатда ҳунармандчилик, хусусан, кумуш ва ёғочдан буюмлар ясаш, тўқувчилик кенг ривож топган. Қишлоқ хўжалиги биринчи навбатда шоликорликка ихтисослашган. Бундан ташқари, каучукли ўсимликлар, пальма дарахтлари ўстирилади. Сув йўлларининг қулайлиги, мамлакатнинг уммон соҳилида жойлашганлиги кема транспортининг ривожланишига имкон берган. Брунейнинг Жанубий Хитой денгизидан ўтган шимолий чегараларида халқаро йўналишдаги кемалар қатнови йўлга қўйилган. Асосий денгиз портлари Бандар-Сери-Бегаван ва Муара орқали хорижга нефть, суюлтирилган газ, ёғоч ва каучук, дори-дармон экспорт қилинади. Четдан эса саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олинади. Жанубий Корея, Малайзия, Буюк Британия, Австралия, Сингапур каби давлатлар мамлакатнинг савдо-сотиқ соҳасидаги асосий шериклари саналади.

Айни вақтда мамлакатнинг табиий шарт-шароити ва имкониятларини инобатга олиб, туризм инфраструктурасини янада ривожлантириш йўлида ҳукумат дастурлари амалга оширилмоқда. Бруней "Осиё йўлбарслари" сафидан ўрин олиш учун курашмоқда.

**Собиржон ЁҚУБОВ**

Тарих — катта муаллим. Унинг сабоқларини ўқиган, уққан одам Мустақиллик не неъмат эканини англай бошлайди. Мустақиллик — энг улуғ, энг азиз неъмат. Уни кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг бурчимизга айланиши керак. Ана шунда у ишончли қўлларда бўлади.

**Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, Ойбек номли ширкат хўжалиги**

Бизнес

# «SAMSUNG» — ДУНЁДА БИРИНЧИ



SAMSUNG компанияси ҳақида эшитмаган инсон бўлмаса керак. Уни кўпчилик энг сифатли телевизор, видеомагнитофон ва бошқа замонавий аппаратуралар ишлаб чиқарувчи компания сифатида танийди. Лекин жаҳонга машҳур электроника гиганти фаолияти гуруч савдосидан бошланганини ҳамма ҳам билмаса керак.

SAMSUNG тарихи 1938 йилдан бошланди. Шу йили жанубий кореялик ёш тадбиркор Ли Бюн Голь Тегу шаҳрида гуруч савдоси билан шуғулланадиган фирмага асос солди. Дастлаб атиги 40 киши ишлаган фирма SAMSUNG Trading Co. деб номланди ("Самсунг" корейсчада "уч юлдуз" деган маънони билдиради). Узоқ вақт давомида фақат савдо-сотиқ билан машғул бўлган фирманинг электроника бозорига кириб келиши учун 30 йил вақт зарур бўлди. 1969 йили Sanyo япон фирмаси билан ҳамкорликда SAMSUNG Electronics компанияси ташкил этилди. Янгидан туғилган компания тезкор суръатда бозорга мослашиб, 1972 йилдан бошлаб оқ-қора, 1977 йилдан рангли телевизорларни сотувга чиқарди. Компания биринчи бўлиб CD-ROM, VIDEO-CD, PHOTO-CD каби аудио, видео ва фото технологияларини ишлаб чиқара бошлади. Яқиндан буён эса SAMSUNGнинг Top-Hi-Fi аудиотехникалари бутун дунёга тарқалмоқда.

Шу тариқа компания рақамли фотоаппарат ва телевизорлар бозорида ҳам лидерлик мақомини эгаллади. Компания эришган сўнгги муваффақиятлардан бири World Best Plus телевизорларининг ишлаб чиқарилиши бўлди. Янги технологияни яратиш учун 55 нафар муҳандис уч йил давомида меҳнат қилди, тадқиқотлар учун 20 миллион доллар маблағ сарфланди. Шунга яраша ушбу телевизорлар гарчи ўта юқори нархларда бўлса-да, Ғарб бозорларида тез сотилмоқда.

SAMSUNGнинг тиниб-тинчимас кашфиётчилари яқинда биотелевизорлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдилар. Биотелевизорларнинг афзаллиги шундаки, улар экран орқали инсон организмига ўтадиган ва саломатликка салбий таъсир этадиган инфрақизил нурлар миқдорини кескин камайтиради ҳамда ўзига хос яшил ҳимоя чизиғини вужудга келтиради.

SAMSUNG айни вақтда Мексика, Португалия, Хитой ва Таиландда ўз корхоналарига эга. Шунингдек, Германия ва Малайзияда ҳам компаниянинг электр трубкалари ишлаб чиқарадиган заводлари бор. Электроника гигантининг 1995 йилги савдо айланмаси ҳажми 20 миллиард долларни ташкил этганди. Компаниянинг охирги вақтда дунё бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллагани ушбу рақамларнинг янада ошишига сабаб бўлмоқда.

SAMSUNG раҳбари Ли ўз компаниясини дунёдаги энг ривожланган корпорациялар қаторига олиб чиқишни ният қилганди. 2000 йили уч юлдузли компаниянинг юлдузи порлаб, айни вазифа тўла-тўкис уддаланди. Ҳатто шу йили Олимпиада ўйинларини мультимедиа жиҳозлари билан таъминлаш масъулияти SAMSUNGга ишониб топширилди. Бу "Уч юлдуз" эришган муваффақиятларнинг муносиб эътирофи эди. SAMSUNG компанияси PHILIPS, SONY каби корпорацияларга тенглашибгина қолмай, баъзи соҳаларда улардан ўзиб кетганди ҳам.

**С. КАМОЛ**

Мустақиллик халқимизнинг энг азиз байрамларидан бирига айланиб бормоқда.

Андижон вилоят Марҳамат туманидаги "Машъал" ширкат хўжалиги барча юртдошларини унинг 12 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этади. Ризқ-рўзимиз доимо бутун, эл фаровон, юрт обод бўлишини тилаб қолади.

"Гулистон экстракт ёғ" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси Ўзбекистон халқини мамлакат Мустақиллигининг 12 йиллиги билан чин юракдан муборакбод этади!

Сизларга соғлиқ, бахт-саодат, ҳаётингиз олам-олам қувончларга тўлишини, озод Ватанимизнинг буюк келажаги ва халқимизнинг фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Истиқлол руҳи ватандошларимизга ҳамиша куч-ғайрат бағишласин.

Манзилимиз: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Т. Аҳмедов, 68. Тел: 26-34-29, 26-35-45.

Мушоҳада

# МАЪНАВИЙ КЕМТИКЛАР

## Уларни қандай тўлдириш мумкин?

### ҲИММАТСИЗЛАР

Фақат ва фақат ўз манфаатини деб яшаш кишини шу қадар тубан кимсага айлантириб қўярканки, охир-оқибат ундай одам билан ҳамсуҳбат бўлмасликни тиларкансан Яратгандан. Мавлоно Махтумқулининг "Номарднинг чойини ўлсам ичмасман", "Карвон бўлсам, манзилингга қўнмасман" каби мисралари айнан ўшандай ҳимматсиз кимсаларни эслатади кишига.

Яқин йиллар ичида туманимизга бир "машҳури жаҳон" ҳоким келди. Соддадил одамлар унинг пойқадамига умид билан кўз тикдилар. Бироқ анойи кишиларнинг орзулари пуч бўлди. Ҳокимнинг дўқ-сиёсати бор эди-ю, аммо мард йигитларга хос ҳиммати йўқ эди. У бирор масалада маслаҳат, кўмак сўраб ҳузурига кирганларни менсимасди ва ана шу ўзига хос киборлигидан завқ оларди. Мансаб деганнинг ҳавосини обдон олган эди. Олис қишлоқларда содда ва кайвони одамлар кўп яшайдилар. Улар саратонда эгнига қўш яктак, бошларига телпак кийиб юришсада, биз анойи, деб ҳисоблайдиган каллаларидан баъзан бир ҳикматли гаплар чиқадики...

— Туманимиз йилдан-йилга қолоқлик ботқоғига чўкиб бораётир, аҳвол оғир. Балки бу ҳоким туманнинг ўмганинии кўтарар. Минг қилса ҳам эскидан ишлаб келаяпти. Иқтисодни, қишлоқ хўжалигини яхши тушунади.

— Билмадим-ов, бир нарса дейиш қийин, — деди иккинчи деҳқон манглай терини яктагининг енгига артаркан, — менинг ишонгим келмайди.

— Нега?

— Беш-олти бузоқ берган сигирни алмаштириш керак. Чунки сутининг мазаси бўлмайди.

— Эй, оббо... Мен боғдан келсам, сен оғилхонадан келасан-а, — эътироз билдирди ҳамсуҳбати.

— Бу одамнинг туманимизга барака келтирмаслигини бир нарсадан пайқадим.

— Нимадан?

— Бизнинг туманда уйи йўқлиги боис, райцентрдан катта магистрал йўл ёқасидан бир кишининг ҳовлисини вақтинча ижарага олганди...

— Хўш?

— Ўша маҳалланинг деярли барча кўчалари туянинг ўркачидек ўйдим-чуқур. У жаноб бўлса, катта магистрал йўлдан тўппа-тўғри ўзи яшаётган ҳовлигача асфальт тўшатиб олди. Мурувватсизликни қарангки, ҳаттоки ён қўшнисининг уйи олдини ҳам асфальт қилдирмади. Демак, бу одам учун ўз ҳовлисидан бўлак Ватан йўқ. Нафсидан бўлак орзу-ҳаваси ҳам йўқ.

Дарҳақиқат, ўша қўшяктакли деҳқонларнинг таъбири тўғри чиқди. Амалпараст ва майишатхўр амакининг пойқадами туманга ёқмади. Тумшуғи осмонга теккудек кибрҳаволи бу одамдан деярли ҳеч ким барака топмади. Мўйсафид чолларнинг-да кўришиш учун у томонга узатган қўллари ҳавода муаллақ қолиб кетар эди. Хўжаликларнинг беш-ўн йиллаб қамиш босиб ётган зовурлари қазилмади. Мактаблар таъмирланмади. Ҳатто ўзим ўқиган мактабда доска топилмаганидан, силлиққина бетон деворларни малла ва қора рангларга бўяб фойдаланишганини кўрдим.

Курортда бўлганимда ҳам худди шундай ҳимматсизликнинг яққол гувоҳи бўлдим. "Буюк Ипак йўли"дан Қибрай тарафга кетаверишда шундоққина чап қўлга бурилиб, 400-500 қадам юрсангиз, оламга машҳур бир санаторийнинг қабулхонасига етасиз. Унинг ташкил этилганига элликми, юз йил бўлган чамаси. Мўъжизавий омад боис, бу масканга баъзи-баъзида бирор-бир камбағал фуқаро келиб қолмаса, деярли мазкур сўлим гўша дасти узун раҳбарлару машҳур, баобрў зотлар келиб даволанадиган, дам оладиган жой. Атиги 400-500 қадам масофадаги мана шу кўчада бир нечта ҳашаматли кошоналар қад ростлаган. Аллоҳнинг ҳасадгўй бандаларидан бўлмайлик илоё. Дарвозалари нақшинкор қўш қаватли саройларни ўзи ва авлодлари учун қурган ватандошларимиз силлиқ, пишиқ ғиштли деворларига "Ёмон кўздан асрасин", дея бир бойлам исириқми, кўзтиканакми, хуллас, шунга ўхшаш "туморсимон" нарсалар илиб қўйишибди. Аммо икки ёқасида ўша ҳашамдор иморатлар солинган аксарият киборлар дам оладиган масканга элтувчи мўъжазгина кўчага аллақачонлар "кўз теккан". Кўчанинг таъмир кўрмаганига 10-15 йиллар бўлган-ов. Чиройли юздаги сўгалдек хунук манзара кашф этган узунлиги атиги тўрт юз қадамча келадиган ўша кўчани ҳашар қилиб эпақага келтиришни на бой-бадавлат қўшнилар ва на санаторий раҳбарияти хаёлига келтиради. Аслида мусулмончиликда Одам боласига энг кўп савоб ёғдирадиган амаллардан бири ҳам шу йўлларни таъмирлаш эмасми?! Ахир, санаторийга сўнгги беш-олти йилда қанчадан-қанча арбоблар келиб ҳордиқ чиқармади дейсиз. Улар бу йўллардан ўтишмадими? Йўлланмасининг нархи икки юз элликдан уч юз минг сўмгача турадиган санаторий раҳбарияти-чи? Ахир, дам олувчиларнинг пулини шилиб олиб овқат ўрнига бемаза, таъмсиз, гўштсиз суяк солинган, "парҳез таом" дея алламбалоларни бераётган шоввозлар ҳеч кимга қарашли бўлмаган ўйдим-чуқур кўчанинг ғамини еийшармиди? Бу манзара ҳам ҳимматсизликнинг бир кўриниши эди аслида.




### ЎГАЙ МАСКАНЛАР

Раҳмон Кўчқорнинг "Ҳайрат" номли муаллифлик кўрсатувини соғиниб яшайман. Биратўла ҳам маъноли, ҳам узлуксиз гапиришни ҳар ким ҳам эплай олмайди. Уни шу даражада нуктадон қилган восита, шубҳасиз, яхши китоблардир. "Ҳайрат"нинг қайсидир сонида Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди ҳақида мулоҳаза юритар экан, у, айниқса, "Ўғри" ҳикоясининг бош қаҳрамони Қобил бобо образи хусусида жуда гўзал хулоса чиқарганди: "Агар биз вужудимиздаги аъзолар ичида бошни улуғласаг-у, оёққа паст назар билан қарасак... Оёқдан сўнг чириш навбати бошга ҳам етиб келади. Оёқни асрашни билмаган бош шаксиз ана шу қисматга маҳкумдир!"

Буни эслашдан мурод шулки, бугун мутолаа жараёни ўта суст. Тўғрироғи, одамлар китоб ўқимай қўйишди. Китобдан юз ўгириш келажакдан юз ўгириш деганидир.

Қишлоқларда аксарият кутубхоналарнинг батамом йўқотиб юборилганига ўн йиллардан ошди. Воҳада ягона кўзга кўринарли зиё маскани бўлмиш Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят универсал кутубхонаси ҳам айни шу кунларда ўта аянчли аҳволда. Жавонларни банд қилиб турган неча ўн минглаб китобларнинг саксон, балки ундан ҳам кўпроқ фоизи маънавий-сиёсий жиҳатдан эскириб кетган. Кираверишда кўзга ташланиб турган қалин китобни қўлга олиб, номланишини ўқидим: "Т. Семушкин. Тоққа қочган Алитет". Мазкур асар муаллифига СССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Косигиннинг қарорига кўра 1948 йилда Сталин мукофоти берилган эмиш. Қойил-эй!

— Сизга бунақа китоблар ёқмаса, ўқиманг, зато бошқалар севиб ўқишади, — дея саволларимга аччиқ зарда билан жавоб қайтарди вилоят марказий кутубхонасининг китоб сақлаш бўлими мудири Нелья Усмонова... Ҳа демаса, бу аёлнинг важоҳатидан китобхонларни коммунистик руҳда тарбиялашга шайлиги шундоққина кўриниб турарди.

— Маданият Вазирлигининг йўриқномаси (4.01.96 й. №12.01 30/7) га кўра, шунақа китобларни ҳам ҳисобдан чиқармай сақлаш буюрилган, — дея муҳитни оқламоққа уринади директор Шайдулла Холиёров. — Сиз Нельяхондан хафа бўлманг. Характери шунақа, кўрсроқ. Аммо ўзи ёмон аёл эмас...

Аммо, афсуски, сўнгги икки-уч йилда китоб олиш ёки ўқув залида ўтириб мутолаа қилиш мақсадида бу ерга келувчилар сони кескин камайиб кетган. Ўқув залида ноилożликдан китоб излаб келган беш-олти нафар талабалару уч-тўртта пенсия ёшидаги зиёли қарияларни кўриш мумкин, холос. Янги адабиётлар, айниқса, бадиий китоблар сони жуда-жуда кам. Туманларнинг кутубхоналари учун ҳар йил ҳисобига харид қилинаётган китоблар сонини улар уялмай айтишди, мен ёзишга уялдим.

— Тўғриси, сўнгги йилларда ўзбек ёзувчилари ёзган китоблар билан салкам ярим миллион доналик фонди бўлган йирик кутубхоналардаги жавонларни тўлғизиб бўлмайди-да, — дея изоҳлади вилоят Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Абдурасул Иброҳимов. — Адибу шоирларимиз ғайрат қилиб, кўпроқ яхши асарлар ёзишса эканки...

— Классик адабиётлар, хорижлик адибларнинг асарларидан таржима қилинган китоблар харид қилсаларингиз бўлмайдими?

— Менимча, ҳозир ўшандай адабиётлар ҳам йўқ...

Уларга китоблар сотиб олиш учун ажратилаётган маблағ урвоқ ҳам бўла олмаслигини, буни ҳал қилиши керак бўлган катталарнинг шаънига ножоиз сўз айтишдан шунчалар қўрқишадики булар...

Кутубхоналар сингари бугунги кунда драмтеатру кинотеатрлар, бир пайтлар болажонларнинг севимли маскани бўлган қўғирчоқ театрлари ҳам борган сари ҳувиллаб қолаётир. Бу масканлар нега вақт ўтгани сайин хилватланиб, яккаланиб бормоқда. Нима учун емакхона, пивохонаю енгил-елпи хониш қилгувчи хонандачаларнинг концертлари ўта гавжуму, чинакам маънавий озиқ улашувчи масканлар ўгайланиб қоляпти? Нега асил маънавий неъматларга рағбат суст? Театр томошаларига талабаю ўқувчилар мажбуран олиб борилишини ҳисобга олмасак, эшик қулфларига аллақачон ўргимчак тўр солиб бўлган.

2001 йилда Сурхондарё маънавиятчиларига етти-саккиз ой маош тўланмади. Ё уларнинг ўзлари овоз чиқариб йиғлашга қўрқдилар ёки бемеҳр "оналари" "кўкрак тутиш"ни унутдилар. Ўша пайтда Термиз шаҳар Маънавият ва маърифат бўлими раҳбари бўлиб ишлаган акамиз Нарзилла Ҳожи Орифий бу ҳақда менга ўн, балки юз карра зорланиб гапирдилар. Бироқ негадир бу ҳақда атиги ярим варақ шикоят хати ёзиб беришдан ўзларини олиб қочдилар.

Кунлардан бир куни етти-саккиз туманнинг маънавиятчилари биргалашиб бир йилдирки, ойлик иш ҳақи ололмаётганликларидан шикоят қилишди. Мен яна улардан ёзма равишда ариза беришларини сўрадим. Улардан ҳеч бири ҳам бунга журъат қилишолмади. Вилоят раҳбарларининг ғазабларидан қўрқишди шекилли, алп келбатли етти-саккиз чоғли маънавиятчи бир-бирларига "Сен ёз — Мен ёз" дегандек кўз уриштириб ўтираверишди. Ниҳоят, улардан бири "ғалати" бир таклифни ўртага ташлади. Яъни, "Ҳаммамизнинг ўрнимиздан менинг котибам шикоят хати ёзиб беради", деса бўладими. Ҳангу манг бўлиб қолдим. Чўлпон, Фитрату Қодирийлар миллатни ҳақ йўлга, маърифатга бошлайман, деб нафақат айшу фароғатдан, ҳаттоки ширин жонларидан-да кечдилар. Сурхоннинг маънавиятчилари эса ўзларининг меҳнат ҳақини сўрашдан қўрқиб бир ожизанинг ортига беркинмоқчи бўладилар. Аслида, улар ўзгаларнинг-да ҳақ-ҳуқуқлари учун фаол курашчи бўлишлари керак-ку!

**Мухбир изоҳи:** Менинг ўзим ушбу маънавий муаммонинг ечимини бир нарсада деб билдим. Айрим раҳбарларимиз сиртдан зиёли кўрингани билан, аслида олифта, авом кишилардир. Уларни эрталаб ва кечқурун стадионларда, теннис кортларида ҳансираган ҳолатда учратиш мумкин. Кўпчилиги азбаройи спортнинг ушбу турларини севганидан эмас, балки ўзидан юқори турувчи мансабдорларга кўриниш бериш, ёқиш учун машғулотларга боришади. Катта серкалар қаёнга юрмасин, отар уларга эргашади. Яратгандан илтижоим шулки, катталарнинг кўнглига китобхонлик деган ишқ уруғини сочсин. Аминманки, вилоятларнинг асосий катталари кутубхонага бориб, мутолаага берилсалар, бошқалар ҳам тез орада "фаол китобхон"га айланишади.

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД**
**Сурхондарё вилояти**

Фарғона вилояти Учкўприк туманининг Мирзааҳмад Деҳқонов номли ширкат хўжалиги жамоаси республикамиз фуқароларини, шу жумладан, барча қишлоқ хўжалиги ходимларини азиз Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллиги байрами билан қизғин қутлайди. Хонадонларимиз файзга, қут-баракага тўлсин, ҳар биримизга тинчлик-омонлик, бахту саодат ва омад ҳамиша йўлдош бўлсин!

Фикр

# «АЯЖОН, "ГВАДАЛУПЕ"НИ ОЛИБ БЕРИНГ»

Янги ўқув йили ҳам бошланди. Лекин ҳозир ҳам мактаб бозорлари ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум. Ҳар янги ўқув йилидан олдин китоб-дафтардан қаламгача тахт қилиб қўйиш мактаб ёшидаги фарзандлари бўлган кўпчилик ота-оналарнинг одат тусига кирган.

Пойтахтдаги "Чорсу" бозори одатдагидан анча гавжум. Кимдир 1-синфга чиқадиган ўғилчаси учун оқ кўйлак қидиряпти, кимдир дарслик харид қилмоқда, яна кимнингдир қайси биридан бошлашни билмай боши қотган. Хилма-хил ўқув қуроллари қалаштириб ташланган биринчи растага яқинлашдим. У ердаги дафтарларни кўздан кечира бошладим. Нархи ҳам ўзига яраша бўлса керак, деган ўйда дафтарларни варақлар эканман, уларнинг сифатсиз эканлиги кўриниб турарди. Боядан бери бозорни бошига кўтариб маҳсулотларини кўз-кўз қилаётган қаршимдаги сотувчидан сифатлироқ дафтарни кўрсатишни илтимос қилганимда, "Эй, дафтарни ичини нима қиласиз, устига эътибор беринг. Биз муқовасидаги расмлари болаларга ёқадиганини, уларга мосини келтирамиз", — деб жавоб топиб берди.

Дафтар муқоваларига назар ташладим. Улар сериал қаҳрамонларининг суратларидан тортиб хориж хонандалари-ю олди-қочди мультфильм манзаралари билан тўла эди. Раста олдига келган харидорлар дафтар ва кундаликларнинг устидаги расми "дидларига мосини" танлаб олишарди. Бундай ўқув қуролларининг бозори чаққон эканлиги кўриниб турарди. Кейинги растада ўзбек эстрада хонандаларининг ҳам суратлари туширилган дафтарларга кўзим тушди. Санъаткорга эъзоз халқимизга хос фазилат. Лекин иккита енгил-елпи қўшиқ айтган хонанданинг сурати дафтар муқовасига чиқарилишини қандай изоҳлаш мумкин?

Мен муқовасида бутун умрини илму маърифатга бахшида этган буюк сиймо — Мир Алишер Навоийнинг, математика фанининг ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшган Ал-Хоразмийнинг ва элимиз эъзозлаган бошқа буюк юртдошларимиз сиймоси акс эттирилган дафтарларни излардим. Бироқ бошқа расталарда ҳам яна бошқа бир экран юлдузи-ю сериал қаҳрамонлари суратини учратардим. Расталардаги ўқув қуроллар турли хил. Лекин ҳалиги сотувчи айтганидек, "ўқувчиларга мосини" тополмасдим. Наҳотки, у "ўқувчиларга мос" деб шундай дафтарларни назарда тутган бўлса?

Балки мактаб ўқувчисига мос бўлган ўқув қуролларини топарман деган илинжда "Болалар дунёси" универсал дўконига кирдим. Бу ер ҳам харидорлар билан гавжум. Афтидан, ё тўртинчи, ё бешинчи синф ўқувчиси бўлган бир қизча: "Аяжон, "Гвадалупе"ни олиб беринг", дерди муқовасида сериал қаҳрамони катталаштирилган дафтарни ушлаганича. (Бу фильм болалар учун бўлганида майли эди). Нима, ўзбек халқ эртаги ёки достон қаҳрамонлари йўқми? Алпомиш ва Барчин сурати акс эттирилган дафтарлар қачон чиқади?

Ўзбекистоннинг буюк келажаги қўлида бўлган ёшларимиз дафтарларидан аллақандай "Гвадалупе"лар эмас, уларнинг қалбида миллий ғурур туйғусини уйғотадиган миллий қаҳрамонларимиз ўрин олса, айни муддао бўлур эди.

**Дурдона АЛИМОВА**

Тарих

# БИР ШЕЪР ТАРИХИ

## У ёш шоирнинг "гауптвахта"га тушишига сабаб бўлган эди

*Қўлёзмаларим сақланадиган сандиқни очиб, "Баҳорингдан бенасибман, Ватаним" деган шеъримни топиб олдим. Бу шеъримни ёзганимда, астағфируллоҳ, қамалиб кетишимга сал қолган. Шеър 1978 йили, баҳор тобора яқинлашиб келаётган бир пайтда, феврал ойида ёзилганди.*

**Ўша пайтда мен собиқ СССРнинг Забайкалье ҳарбий округига қарашли Борзя шаҳрида, пиёда аскарлар ўқув қисмида курсант эдим. Бизнинг ротамиз фақат олий маълумотлилар ротаси бўлиб, 150 кишидан иборат эди. Шеър ҳамюртларимиз орасида бирпасда қўлма-қўл бўлиб кетди. Улар кўчириб олиб, ёд олишди. Армияга рубоб, доира олиб борган истеъдодли ҳамюртларимиз қўшиқ қилиб айта бошлашди.**

**Шундан сўнг менинг ҳаётимда "қора кунлар" бошланди. Армиядаги КГБнинг "махсус бўлими" ходимлари мени "гаупвахта"га сиёсий маҳбус сифатида қамаб, қийнаб, сўроқ қила бошлашди.**

**— Сенинг Ватанинг СССР, ўз Ватанингда туриб худди чет элда яшаётгандек шеър ёзибсан! — деди махсус бўлим ходими.**

**— Менинг Ватаним — Ўзбекистон. Ватанимни соғиндим! Бу ер, бу шаҳар менинг Ватаним эмас! Мен бу ерда туғилиб ўсмаганман!**

**— Бу дунёқарашинг учун сени сиёсий маҳбус сифатида ҳарбий трибуналга бериб, интизом батальонига жўнатамиз!**

**— Билганларингни қилинглар! Пешонамга ёзилганини кўраман.**

**Гауптвахтага қамашганидан кейин юртдошларим мени ҳимоя қилишди. Улар менинг гауптвахтадан озод қилинишимни талаб қилиб, 3 сутка очлик эълон қилишди. Ротадошларимнинг очлик эълон қилгани шов-шув бўлиб кетди... Кейин дивизиядан, округдан, Москвадан генераллар етиб келишди. Улар мени ҳимоя қилиб, 4-куни озод қилиб юборишди. Шеъримни эса 9 май — Ғалаба байрамида айтишга рухсат беришди. Ротадошларимдан бир умр миннатдорман.**

**Не бахтки, орадан 24 йил ўтгандан сўнг ушбу шеъримни илк бора, эксклюзив тарзда "Ҳуррият" газетасининг азиз ўқувчиларига тақдим этаяпман. Шунингдек, истеъдодли шогирдларим — бастакор Шерзод Юсупов ва бетакрор овоз соҳиби, ёш хонанда Музаффархон Тўрахонов ҳамкорлигида "Баҳорингдан бенасибман, Ватаним!" номли қўшиқ яратилганини шукроналик билан айтмоқчиман.**

### БАҲОРИНГДАН БЕНАСИБМАН, ВАТАНИМ

*Бу йил баҳорингдан бенасибман, Ватаним,*
*Қалбим сенда-ю, воҳ, ўзга юртдадир таним!*

*Қирларингда гуллаганда қирмизи лола,*
*Соғиниб юрак-бағрим бўлур тилка-пора.*
*Осмонингда қалдирғочлар қанот қоққанда,*
*Қизлар сочларига толдан гулбарг таққанда,*
*Сенинг баҳорингдан бенасибман, Ватаним,*
*Хаёлим сенда-ю, ўзга юртдадир таним!*

*Беқиёс гулзорингни қуча олмасман,*
*Булоқларингдан қониб сув ичолмасман.*
*Боғларингда булбуллар яйраб сайраганда,*
*Уни эшитишдек буюк бахт йўқдир менда.*
*Тенгсиз баҳорингдан бенасибман, Ватаним,*
*Вужудим сенда-ю, ўзга юртдадир таним!*

*Севги боғида учрашиб ошиқ кўнгиллар,*
*Ширин бўсага қониб яйраганди диллар.*
*Баҳор либосин акс эттирганда камалак,*
*Қозонларда қайнаганда ширин сумалак,*
*Улуғ баҳорингдан бенасибман, Ватаним,*
*Юрагим сенда-ю, ўзга юртдадир таним!*

*Тантана қилганда гўзал Наврўзи олам,*
*Эркин қушга айлансам-у, бир бориб кўрсам...*
*Олтиндан қиммат тупроғинг суртиб кўзимга,*
*Шифобахш малҳамни топар эдим ўзимга.*
*Баҳорингдан бенасибман, азиз Ватаним,*
*Руҳим сенда-ю, ўзга юртдадир таним!*

**Имом БЕК**

# ЎГИТЛАР

**Аҳмад ЯССАВИЙ**

*Кучли устун бўлсанг ҳам жанжалдан воз кеч. Ғазабдор бўлганингда юмшоқ муомала кўрсат, хато қилма.*

*Манманликдан воз кечмагунча тавозе эгаси бўлолмайсан. Мутавозий бўлмагунча Ҳақ йўлига киролмайсан. Ҳақ йўлида бўлмагунча нафсингни поклай олмайсан.*

*Кўнгил кўзини ойдинлатмай қилинган ибодатларнинг илоҳий даргоҳда қабул бўлиши даргумон.*

*Ўткинчи ҳаваслар, манманлик даъвоси ва худбинликни ташла. Булар Ҳақ йўлининг тузоқларидир.*

*Инсоннинг энг катта заифлиги ўз қадрини билмаслиги, манманлик қилиб, яхшиларга аҳамият бермаслигидир.*

**Наршиза тўплаган**

Voice of America

# Америка овози

www. voanews. com/uzbek

- Дунё хабарлари
- Америка ҳаётидан лавҳалар
- Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар
- Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар
- АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари
- Вашингтон-Тошкент алоқалари
- Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар
- Терроризмга қарши кураш босқичлари
- Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар

*Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида*

*Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.*

«Америка овози»

*радиосини қисқа тўлқин — УКВ 17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда; 20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19, шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.*

*МУРОЖААТ УЧУН*
*VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA*
*Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368*
*uzbek@voanews.com*

Газетанинг навбатдаги сони 17 сентябрда чиқади

Mustaqil gazeta HURRIYAT
Ўзингни англаб ет!

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон КЎЧҚОР

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

**Таҳририят манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ**

Ⓡ — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.00
Буюртма — Г - 515
Т: 3047

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.